КУТУБХОНАСИ
ТАҲРИРИЯТЛАР ИНСТИТУТИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 12 (9.509) 2001 йил 29 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** ҳудудидан хориж бўйлаб сафар қиладиган йўловчилар аввалги йилларда поездда 30 килограмм юк билангина саёҳатга чиқишлари мумкин эди. Ўзбекистон темир йўллар Давлат акционерлик жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларга катта имконият яратилди. Эндиликда пассажир поезд вагонларга қўшимча юк вагони қўшилиши натижасида йўловчиларнинг 100 килограммгача бўлган маҳсулотлари исталган манзилгача етказиб берилади.

● **ЎТГАН** йилнинг октябрь ойида Германиядан келтирилган янги, ҳар жиҳатдан йўловчиларга қулай бўлган вагонлар қатновга қўйилиб, «Тошкент – Самарқанд» йўналиши бўйлаб қатнай бошлаган эди.

Жорий йилнинг 25 январидан эса ҳафтанинг пайшанба кунларида Германиядан келтирилган махсус вагонлар «Тошкент – Москва» йўналиши бўйлаб қатнай бошлади.

● **БОЛАЛАР** бадиий ижодиёти республика марказида «Ноёб санъат жилолари» номли – уч авлод – Ортиқали Файзуллаев, Зокиржон Боситхонов ва унинг шогирди Шожалил Шообидовларнинг ижодига мансуб миллий халқ амалий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

● **СИРҒАЛИ** туман халқ таълим бўлими тумандаги мактаблар ўқувчилари ўртасида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан «Ғазалхон ёшлигим» ижодий кўрик-танловини ўтказмоқда. Голиб мактаб ўқувчилари 3 февраль куни аниқланади.

МАҲАЛЛА

Спорт мажмуалари қурилмоқда

Маҳаллаларимизга бўлган муҳим эътиборнинг ҳосиласи сифатида «Ҳар бир маҳаллага спорт мажмуи» ташаббуси туғилган эди. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ушбу долзарб масалага бағишланган йиғилиш ўтказилиб, келгусидаги режалар, ҳамкорликда бажариладиган ишлар белгилаб олинди. Бинобарин, бу борадаги амалий ишлар бошланиб кетди.

– Шаҳримиз маҳаллаларида ушбу ҳаракат биринчи бўлиб қанот ёзди, – дейди пойтахт Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоев. – Чунончи, Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпон ота», Сергели туманидаги «Ёшлик», Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой оқтепа», Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров, Чилонзор туманидаги «2-Қатортол» маҳаллаларида турли хил спорт мусобақалари, машғулотларни ўтказишга, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга мўлжалланган спорт мажмуаларини бунёд этиш ишлари қизиб кетди. Шуни таъкидлаш ўринлики, ёшариш ва янгиланиш аёмми, покланиш рамзи ҳисобланмиш Наврўз байрами арафасида юқоридаги маҳаллалардаги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилади. Қолган туманлардаги энг илғор маҳаллалар спорт мажмуалари ҳам мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн йиллик тўйи арафасида халққа хизмат кўрсата бошлайди. Қувонарли томони шундаки, ушбу спорт майдонлари қадимий ва ажойиб одатимизга кўра маҳалла оқсоқоллари бошчилигида ҳашар йўли билан асосан ёшларнинг куч-ғайратлари орқали қад ростламоқда. Ушбу савобли ва хайрли ишга эса маҳаллаларимиз ҳудудида истиқомат қилаётган айрим фидойи ҳамшаҳарларимиз, мард ва сахий тадбиркорлар, саховатли корхона ва ташкилотлар имкон даражасида яқиндан кўмак бермоқда.

Айтиб ўтганимиздек, ҳозир шаҳримиздаги кўплаб маҳаллаларда ушбу йўналишдаги ишлар қизғин паллага кирди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ҲАЖ

Қутлуғ зиёрат тараддуди

Яқинда юртимиз фуқароларидан бир гуруҳи исломнинг бешинчи аркони бўлмиш муборак Ҳаж ибодатини адо этиш учун Саудия Арабистони подшоҳлигига жўнаб кетадилар. Ушбу муборак сафарнинг ҳар томонлама қулай ва осон кечишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган.

Ушбу қарор асосида Республика ишчи ҳайъати тузилиб, у барча вилоятларда қутлуғ зиёратни ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Республика Киночилар уйида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва вилоятидан Ҳаж амалини адо этиш учун тавсия қилинган фуқаролар ҳамда мутасаддиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Риҳситилла Акромов олиб борди.

Тадбирга йиғилган бўлғуси ҳожиларга Республика Ҳаж ишчи гуруҳининг раҳбари Зокир Тошмуҳамедов муборак сафарнинг ташкилий томонлари, барча гуруҳларга элликбошилар бошчилик қилиб, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бериши, ҳожилар учун яратилган қулайликлар, йиғилиш жойи, сафарга жўнайдиган кунлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси раисининг ўринбосари Салим қори Меликулов, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари Абдураззоқ ҳожи Юнусовлар Саудия Арабистонида Ҳаж амалларини қандай адо этиш, сафар чоғида нималарга асосий эътибор қаратиш юзасидан тегишли йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар беришди, Ҳаж тиббий гуруҳининг раҳбари Саъдулла Абдуллаев эса ҳожиларга саломатликларини сақлаш, турли касалликларга чалинмаслик борасида қимматли маслаҳатлар берди. Шунингдек божхона, ички ишлар соҳаларининг мутасаддилари ҳам ушбу муборак сафарни ташкил этиш юзасидан атрофлича маълумот бериб ўтдилар.

Фуқаролар томонидан берилган саволларга муфассал жавоблар қайтарилди. Ҳожиларнинг ибодат давомида амалга оширишлари лозим бўлган тартиботларни қамраб олган рисола тарқатилди.

Учрашув сўнгида Ҳажнинг шартлари, фарзлари, ушбу ибодат арконлари ва жараёнини баён этиб берувчи ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Дилмурод ИСРОИЛОВ

МУНОСАБАТ

Келажак — ёшларники! Бу — ҳаёт ҳақиқати, яна ҳам аниқроғи — ҳаёт қонуни. Шунинг учун ҳам ўз келажагининг порлоқ бўлишини истаган ҳар бир жамият ўсиб келаётган ёш авлодга астойдил ғамхўрлик қилади. Яъни ҳар бир ўғил ва қизларимизни Ватанимизнинг содиқ фарзандлари, буюк аждодларимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялаш асосидагина олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз ушалишига эришиш мумкин.

Келажаги буюк давлатни барпо этиш авваламбор бугунги ёшларга, ана шу улуғвор вазифани уддалайдиган ёшларни вояга етказиш эса, жамиятимизнинг мазкур масалага қанчалик масъулият билан ёндошишига боғлиқ.

Айни пайтда ёшлар тарбиясида, уларни ҳаётга тайёрлаш, дастлабки вақтларда ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, Ватаннинг чинакам содиқ фуқароларини шакллантиришда муайян камчиликлар борлиги, ёшлар муаммоларини ҳал этишда уларни изчил ижтимоий ҳимоя қилувчи ташкилий уюшган кучга эҳтиёж тобора кўпроқ сезилаётганлиги ҳам маълум. Президент Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувдаги нутқида мазкур масалалар ғоят муҳимлиги, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини ўз вақтида кўриш зарурлиги таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилган мазкур учрашув ва ундаги Юртбошимиз нутқи жамиятимиз турли табақалари вакиллари ва айниқса ёшлар томонидан қизғин кутиб олинди. Биз ҳам шу мавзуда турли касб ва ёшдаги фуқаролар билан мулоқотда бўлдик.

Ёшлар – келажагимиз!

Садриддин ИСМОИЛОВ, «Олмос текс» масъулияти чекланган жамият раиси, тадбиркор:

— Ёшларнинг турли касб эгаллаши, билим олиши, тадбиркорлик ва бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун барча шароитлар — энг аввало — ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин ҳар бир йигит ёки қиз у барибир ўз тақдирини кўп жиҳатдан ўзи белгилайди. Ўсмир ёки йигит-қиз бирон меҳнат жамоасига ишга кириши, унинг шу жамоада муқим қолиб, униб-ўсиши алоҳида-алоҳида олиб қараганда, ҳамиша ҳам хамирдан қил суғургандек ҳал бўлавермайди. Бирон ишнинг бошини тутишни уддалай олмай юрган ёшлар ҳам оз эмас. Бозор муносабатлари шароитида тажрибасиз, муайян малакага эга бўлмаган йигит ва қизларни ишга ҳамма ерда ҳам қучоқ очиб кутиб олишавермайди. Улардан муайян тайёргарликни талаб қилишади. Шундай ҳолларда уларни қўллаб-қувватлаш, ҳаёт йўлини топиб олишига кўмаклашиш керак.

Беш йил олдин ташкил топган «Камолот» жамғармаси ёшларни касбга йўналтириш, уларни иш билан таъминлаш, жамоаларда ёшларнинг қўним топиб, униб-ўсиши учун шароитлар яратиш каби вазифаларни бевосита шу жамғарма ва унинг жойлардаги тизимлари бажариши керак эди. Лекин...

Янги ташкил топадиган ёшлар ижтимоий ҳаракати аниқ хатоларни тузатиши мумкин. Бунинг учун аввало ўз тизимида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этиш, шунингдек, «Бандлик» хизмати, бошқа давлат ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ҳар бир ҳудудда режали асосда янги-янги иш ўринлари ташкил этишда фаоллик кўрсатиш мумкин.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор.

— «Ўзбекистон — Ватаним маним» Ватан мавзуидаги қўшиқлар республика кўрик-танловининг боришини кузатиб келаман. Икки йил ичида она юртимизни мадҳ этувчи қанчадан-қанча қўшиқлар яратилди. Уларнинг энг муҳим аҳамияти одамларни бирлаштиришида, Ватанимизнинг ягоналиги, бетакрорлиги, киндик қонимиз тўкилган тупроқ муқаддаслигини қалбларга сингдиришда. Турли вилоят, туман, шаҳар ёшлари ўз ҳаётлари, орзу-умидлари, кундалик ташвишлари билан яшайдилар. Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ана шу ўз ҳолича яшаётган йигит ва қизларни маънавий бирлаштиради, улар ана шу бирлик-жипсликни ҳис этадилар. Бундай тадбирларни кўплаб ўтказиш ва нафақат қўшиқ соҳасида, балки санъатнинг бошқа соҳаларида — ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаёт соҳаларида мунтазам уюштириб бориш керак.

Бунда ташаббускор гуруҳ таклиф этаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муҳим бошловчи роль ўйнаши керак. Зеро, ҳаракат турли ташкилотларни қамраб олиши, уларнинг куч-ғайратларини бир мақсадга йўналтириши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда турли жамоат ташкилотлари, бирлашмалар дастлаб энг пастда кичик бир ташаббускорлар гуруҳи шаклида пайдо бўлади. У аста-секин атрофига фаолларни тўплаб, туман, шаҳар миқёсида, кейин вилоят ва мамлакат миқёсига чиқади. Ёшларнинг ўзлари шундай бирлашишга эҳтиёж сезиб, манфаатларини кўра олишса ва ихтиёрий шу ҳаракат сафига кириб, фаолият кўрсатишса, ўйлайманки, биз ўзимиз кутган ва ўзимиз умид қилган ворисларимизни тарбиялаб вояга етказамиз.

Икром МЎМИНОВ, «12-трест»ҳиссадорлик жамияти 2-механизациялашган кўчма колоннаси ғишт терувчиси:

— Ҳаётнинг асоси — меҳнат. Ана шу меҳнат инсонни бахтли қилади, тўлақонли, сермазмун ва кейинчалик афсуслан-майдиган ҳаёт йўлига олиб чиқади. Шундай экан, ҳаётга энди кириб келаётган йигит-қизлар учун энг муҳими — бирон-бир касб-ҳунар эгаси бўлиш, доимий иш жойини топиш ва ўша ерда орзу-ҳавасларига эришиш. Таълим тизими ислоҳ қилиниб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилаётганлиги бу масалани ижобий ҳал этишига шубҳа йўқ. Демак, шу жараённи тезлаштириш керак. 9-синфни битираётган ёшлар қанчалик тез тўла қамраб олинса — ёш ишчи кучларини жойлаштириш муаммоси шунчалик тез ҳал бўлади.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик-лицейлар қурилиши, ташкил этилишининг жамоат назоратини амалга ошириш, уларнинг битирувчилари иш билан ўз вақтида таъминланиши учун ҳар бир ҳудудда тегишли шарт-шароитлар яратилишига эришишда ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган, улар номидан иш кўрадиган уюшган ташкилот керак. Фақат у ариза-шикоятларни текширадиган, оддий қарор ва буйруқлар чиқариб, қоғозларни қорайтирадиган бюрократик идора бўлиб қолмаслиги шарт.

Дилноза ШЕРМАТОВА, Ҳамза туманидаги 230-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Аввало, шуни айтишни истардимки, мен 9-синфни битиргандан кейин қаерга боришим, умуман ҳаёт йўлим келгусида қандай давом этишини аниқ тасаввур этаман. Раққоса сифатида ўз истеъдодимни намоён эта олганим кўп жиҳатдан тақдиримни ҳал этмоқда. Лекин ҳамма тенгдошларим, пастдан-юқоригача барча синф ўқувчилари ҳақида гап кетганда бундай дейиш қийин. Кўпинча улар қайси касбни эгаллашлари, қайси йўлдан боришларини билмай, бошлари қотади. Баъзилар бу ҳақда ўйламайди ҳам.

Албатта, ўқитувчиларимиз йўл-йўриқ кўрсатишади, маслаҳатлар беришади. Лекин мактаб бўйича ҳамма ўқувчиларни жипслаштирадиган ташкилотга эҳтиёж борлиги аниқ. Ахир қизлар ёки йигитлар, ёҳуд йигит ва қизлар аралаш кичик-кичик гуруҳлар келгуси ҳаёт йўллари ҳақида баҳс-мунозаралар қилиб туришларига кўп марталаб кўзим тушган. Ўзим ҳам уларда қатнашаман. Лекин гаплашамиз-у, тарқаламиз — вассалом.

Агар ёшларни уюштирадиган бир ташкилот бўлса — албатта, муҳим баҳс-мунозаралар изсиз йўқолиб кетмайди. Уларни ўрганиб, бир шаклга келтириб, барча ўқувчиларни жалб этган ҳолда чора-тадбирлар кўрилса қандай ажойиб иш бўларди. Ҳозиргача биз «Камолот» деган номни эшитиб келамиз-у, лекин бу ташкилот бизнинг ҳаётимиздан анча узоқда. Лекин у жамоа бўлиб ариза бериб кириладиган ташкилотга айланса, ўйлайманки, унинг фойдаси катта бўлади. «Камолот» ўзимизнинг ташкилотимиз бўлиб қолади.

Тўхтахон ҒАНИЕВА, ўқитувчи, меҳнат фахрийси:

— Ёш авлодни жамоатчилик руҳида тарбиялашда уларни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган ташкилот бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин мурғак қалбларни умуминсоний қадриятлар, маънавиятимиз сарчашмалари асосида комил инсон қилиб тарбиялашга ҳисса қўшадиган ижтимоий бирлашма керак. Шу маънода ёшлар ижтимоий ҳаракати тарзида шаклланадиган ташкилотни қутлаш, унинг таваллудига ёрдам бериш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Мен ўйлайманки, жамоа-жамоа бўлиб, ёшлар ҳаракатига қўшилиш мактаб ўқувчилари учун ҳам аҳамиятлидир.

Азиз газетхонлар!

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, унинг олдида турган вазифаларни бажариш учун нималар қилишимиз кераклиги ҳақидаги фикрингиз қандай?

Ёшларнинг ҳақиқий дўсти, маслаҳатчиси бўлиш учун нима қилиш керак?

Шулар ҳақида бизга ёзинг, телефон орқали қўнғироқ қилинг.

ВАТАН – МУҚАДДАС

Куни кеча шаҳримизда бўлиб ўтган ёшлар масалаларига бағишланган йиғилиш мени ғоятда тўлқинлантириб юборди. Ватанни ўз туққан онамиздек билиб, саждагоҳдек тавоб қилишимиз лозимлиги тўғрисида билдирилган фикрлар қалбимни чуқур ҳаяжонга солди. Дилим тубидан қуйилиб келган сатрларни қоғозга туширдим.

Ватан – ягонадир, Ватан – биттадир,
Уни эъзозлаган буткул ютадир.
Ватанни севганга Оллоҳим мадад,
У дунё, бу дунё кўрмасин у дард.

Киндик қонинг тўкилгандир бу юртда,
Шу азиз юртингни бир зум унутма.

Мустақил Ватан – чун жонинг фидо қил,
Она тупроғингдан узоқлаб кетма.

«Камолот», ёшларнинг бўл сен таянчи,
Йўлбошчининг сенга катта ишончи.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
техника фанлари доктори

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига АҚШ Президенти Жорж Буш дан унинг Америка Қўшма Штатлари Президенти лавозимига сайланиши муносабати билан йўллаган самимий табрик хати учун чин дилдан миннатдорчилик билдирилган телеграмма келди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда «ДЭУ моторс» компанияси раиси Ли Жонг Дэни қабул қилди. Учрашувда икки ўртадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларнинг янги қирралари борасида сўз борди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши 2000 йилда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш бўйича амалга оширилган ишлар ва 2001 йилга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

◆ Вазирлар Маҳкамасининг Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузурида тузилган махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилишида комиссия низоми лойиҳаси кўриб чиқилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат мажлисида вазирлик ва унга қарашли бўлинмаларнинг 2000 йилдаги олиб борган ишлари якунлари ва 2001 йилга мўлжалланган вазифалар муҳокама қилинди.

◆ Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитада АҚШдан келтирилган 75 та юқори частотали радиостанция ва уларга тегишли ускуналарни қўмитага топшириш маросими бўлиб ўтди.

◆ «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг йиғилишида жамғарманинг ўтган йилги иш якунлари муҳокама қилинди ва 2001 йилга вазифалар белгиланди.

◆ Тадбиркор Т. Нуралиев Жалолқудуқ туманидаги Ойим қишлоғи марказида ҳаммом қуриб, ўз қишлоқдошларига ажойиб совға тайёрлади. Ҳаммом билан ёнма-ён чойхона ва қаҳвахона бунёд этилмоқда.

◆ Бухородаги нефть-газ саноати коллежи ўқитувчилари Жанубий Кореядаги ўқишдан қайтиб келдилар.

◆ Жиззахда қишлоқ хўжалик тадбирларини ўтказадиган раҳбарларнинг ҳафталик ўқув семинари бўлиб ўтмоқда.

◆ Навоий шаҳрида эрк ва озодлик йўлида жон фидо этган инсонлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Хотира майдони бунёд этилмоқда. Бу майдон мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан вилоятда барпо этилаётган иншоотларнинг энг йиригидир.

Жаҳонда

◆ **Бугун** Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ташриф билан Туркияга жўнайди. Ташриф чоғида асосий эътибор нефтни элтиш масалаларига, шунингдек ҳарбий саноат соҳасидаги битимларга қаратилади.

◆ Украина Россияга унинг ҳудудида кўп миллатли ҳарбий машқларни режалаштиришда иштирок этишга рухсат берди.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик кенгашидан Ливандаги халқаро тинчликпарвар кучлар сонини қисқартиришни сўради. Ҳарбийлар белгиланган вазифаларни деярли бажариб бўлишди. Энди Ливанда катта миқдордаги ҳарбий кучларни сақлашга ҳожат йўқ, деди Кофи Аннан.

◆ Конго Демократик Республикаси парламенти ҳукуматнинг генерал Жозеф Кабила мамлакат Президенти лавозимини эгаллаши ҳақидаги таклифини маъқуллади. Шунингдек, парламент марҳум Президент Лоранa-Дезире Кабилани «Халқ отаси» деб эълон қилиш ҳақида резолюция қабул қилди.

◆ Конго Демократик Республикасининг янги Президенти Жозеф Кабила мамлакатда фуқаролар урушини тўхтатиш мақсадида исёнчилар билан музокаралар олиб боришни бошлаш режасида эканлигини айтди. Жозеф Кабила яқин вақт ичида Конгога БМТнинг тинчликпарвар кучларини таклиф этиш хусусида ҳам баёнот берди.

◆ Ўтган шанба куни Россиянинг «Прогресс» космик кема-танкери «Мир» орбитал станцияси билан муваффақиятли равишда туташтирилди. Ичида 2,5 тоннадан зиёд ёқилғи «Прогресс» ёрдамида олиб чиқилгандан сўнг «Мир» станцияси ер атрофи орбитасига олиб чиқилади ва Тинч океанига чўктирилади. Унинг дастлабки чўктириш санаси 6 мартга белгиланган.

◆ Озарбайжонда қочоқларга ва мажбурий тарзда келиб қолганларга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун микрокредитлар бериладиган бўлди.

◆ Сўнгги маълумотларга қараганда, ўтган жума куни Ҳиндистонда юз берган зилзила оқибатида кам деганда 30 минг киши ҳалок бўлган ва 30 мингдан зиёд киши жароҳатланган. Зилзиланинг маркази мамлакатнинг ғарбидаги Гуджарат штатида бўлиб, рўй берган ушбу ер силкиниши сўнгги 50 йил мобайнидаги энг кучли зилзиладир. Тахмин қилишларича, яна минг-минглаб кишилар вайронага айланган биноларнинг тагида қолиб кетган. Қўшни Покистонда ҳам ҳалок бўлганлар бор. Қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

◆ Мексикада ҳам Рихтер ўлчови бўйича 5 балл куч билан зилзила содир бўлди. Вайронагарчиликлар бўлган. Ҳалок бўлганлар ва жароҳат олганлар тўғрисидаги маълумотлар келганича йўқ.

◆ Швейцариянинг Цюрих шаҳрида полиция билан жаҳон иқтисодиётини чуқурлаштиришга қарши бўлганлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Жаҳон иқтисодий форуми ўз ишини Давос шаҳрида давом эттираётган шу кезларда ана шу тадбирга норозилик тариқасида намойиш уюштирганлар полиция томонидан қуршаб олинди ва улар махсус поездда Цюрихга жўнатиб юборилди.

◆ Филиппин адлия вазирлиги собиқ Президент Жозеф Эстрада ва унинг яқинларининг хорижга чиқишини тақиқлаб қўйди. Коррупцияда айбланаётган собиқ раҳбар устидан ҳозир жиноий иш қўзғатилган. Шу сабаб улар мамлакатдан четга чиқмаслиги лозим, деди адлия вазири Эрнандо Перес.

◆ «Майкрасофт» компаниясининг бошлиғи Б. Гейтц СПИДга қарши вакцина тайёрлаш учун 100 миллион доллар ажратишини айтди.

◆ Италияда композитор Ж. Верди вафот этганлигининг 100 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.

◆ Американинг «Эмби Мед» компанияси 8 йиллик изланишлардан сўнг инсоннинг табиий юраги ишини тўлалигича бажара оладиган янги суньий юрак яратди.

◆ Кашандалар ҳақида кўп гапирамиз. Биласизми, агар кунига бир қути тамаки чекадиган одамнинг бир ҳафталик никотинидан бир лаҳза ютсангиз, ўша ондаёқ нариги дунёга равона бўлиш мумкин экан.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Муқаддас бурч

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг орзуларини бутун оламга эълон қилди.

Шундан бери ўтган қисқа давр мобайнида Конституциямизнинг асосий тамойиллари ҳаётимизга татбиқ этилди.

Бинобарин, давлат ва миллат бор экан унинг қонунлари ривожланиб боради, шунингдек Конституциявий ислоҳотлар доим амалга оширилаверади. Бунинг исботи сифатида, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида «Судлар тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунлар янги таҳрирининг қабул қилиниши, шунингдек, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида»ги, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинишини мисол келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январь куни «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши Конституциявий ислоҳотларнинг давоми сифатида, унинг ҳаётимиз мазмунини ташкил этишини яна бир карра кўрсатди.

Ушбу Фармойиш «Ҳаётимиз Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида» деган сўзлар билан бошланади.

Бу мақсадни амалга ошириш учун махсус комиссия тузилди ва у ҳозир ишламоқда. Конституция ва давлатнинг пайдо бўлиши бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб буни кишилар онгига етказиш ва тушунтириш унинг мустақиллигининг кафолатидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган ушбу қоидани амалга оширишда ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият олдидаги бурч ва мажбуриятлари мавжуддир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида: «Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус дарс сифатида ўргатишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ сифатида айтмоқчиман» дея берган кўрсатмаларини ҳаётимизга татбиқ этишни бошлашимиз керак. Ўзбекистон қонунчилигига кўра унинг ҳудудида туғилган бола у дунёга келган кунлардан бошлаб Ўзбекистон фуқаросига айланади. Унинг тарбияси билан шуғулланиш ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчидир. Шунинг учун биз ўз болаларимизни, мустақиллик ғояси, эркинлик моҳияти руҳида тарбиялашимиз давлат ва жамият олдида ҳам фарз, ҳам қарздир. Бола 2-3 ёшидан дунёни таний бошлайди, табиатдаги ўзгаришларни билишни хоҳлайди, доимо турли саволлар билан ота-онасига мурожаат қила бошлайди. Шунда биз уни болалар боғчасига берамиз, у ерда нимани ўрганади, бундай саволлар ҳеч қачон бизни қизиқтирмаган. Энди бунга жавоб беришнинг вақти келди. Чунки давлат, жамият, миллат тақдири болажонларимизга боғлиқ эканлигига тушуниб етмоқдамиз. Энди амалий ишга ўтсак.

Президентимизнинг фармойишлари асосида, Тошкент Давлат юридик институтининг «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси олим-юристларининг йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» қуйидаги таклифлар тайёрланди:

а)болалар боғчасида давлат рамзлари: герб, байроқ ва мадҳияни рангли суратларда кўргазмали тарзда ўқитиш тавсия этилади;

б) умумий ўрта таълим муассасаларида узлуксиз ўқув машғулотларини 1-синфдан бошлаб Конституциянинг махсус бобларга бўлинган дастури асосида ўтказишни, бунинг учун дарсликлар тайёрлаш ва ўқитишни йўлга қўйишда ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида олий педагогик билим юртларида махсус факультетларни ташкил этиш тавсия қилинади:

в) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим ўқув юртларида дарс берувчи профессор ўқитувчиларни тайёрлаш учун, Конституциявий ҳуқуқ фанидан ўқув машғулотлари соатларини кўпайтириш ва олий юридик муассасаларида юрист педагог тайёрловчи факультетларни очиш тавсия этилади. Ўқув дастури 2000 йили Тошкент Давлат юридик институти томонидан бакалавриат ва магистратура факультетлари учун ишлаб чиқилиб босмадан чиққан. Шунинг учун ҳам ушбу дастур асосида ўқув қўлланмалари ва дарсликларни тайёрлаш мумкинлигини билдирамиз.

Шунингдек, фуқаролар ўртасида Конституцияни тарғиб қилиш мақсадида, оммавий ахборот воситалари учун дастур ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга татбиқ этишда мансабдор шахслар, прокуратура, суд органлари ва бошқа тегишли органлар масъуллигини ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Абдуазиз ЧЎЛИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР





Янги фабрика иш бошлайди

Шаҳримизда уч йилдан буён муваффақият билан фаолият кўрсатаётган «Помиршайх« Ўзбекистон – Америка қўшма корхонасининг маҳсулотлари 70 тадан ортиқ дўкон ҳамда бозорларимизда аллақачон ўз харидорини топган. Шу билан бир қаторда Қозоғистон ва Тожикистон мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Корхона тадбиркорлари бу билан чекланиб қолмай харидорлар талаби асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча ишчи ўринлари яратишга бел боғлашди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан яқинда пойтахтимизнинг Ҳамза туманида 250 нафардан зиёд ишчи-хизматчини бирлаштирадиган, янги хорижий жиҳозлар билан таъминланган фабрика иш бошлайди. У иш бошлагач 1 кунда 5 тонна кекс, 1,5 тонна печенье маҳсулотлари тайёрланади.

– Корхонамиз Италиядан келтирилган ускуналар асосида ишлайди, –дейди директор Сафдори Муҳаммад Аъзам. – Ҳозирги кунда ишлаётган 2 та цехимизда асосан эрон ширинликлари –4 хил кекс ҳамда 12 хил печенье маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Цеҳларимизда эронлик ва афғонистонлик мутахассислар билан биргаликда маҳаллий йигит-қизлар меҳнат қилишади. Тўғриси, ширинликларимиз кўриниши, мазаси, қадоқланиши, сифати, рақобатбардошлиги билан харидор эътиборини тортмоқда. Мустақил Ўзбекистонда хорижий шериклар билан ҳамкорлик учун яратилган шарт-шароитлардан мамнун ҳолда меҳнат қилаяпмиз. Фабрикамизнинг кенгайиши эса ҳамкорлигимиз ривожланиб бораётганлигидан далолатдир. Шунингдек, Ўзбекистонда бой хом ашё заҳираси ишимизнинг ривожи, шериклигимиз истиқболи учун қўл келади. Маҳаллий йигит-қизлар эронлик ширинпазлар – Зайнобиддин Ҳасан ва Саид Шужаён сингари усталардан қандолатчилик сирларини қунт билан ўрганишмоқда. Шу боис ҳам ёш тадбиркорларнинг замонавий технология асосида тайёрлаётган маҳсулотлари дастурхонимизни безамоқда ҳамда экспорт қилиниб иқтисодиётимиз ривожига улуш бўлмоқда.

Дилноза ҒИЁСОВА

СУРАТЛАРДА: кекс тайёрлаш цехи устаси Зайнобиддин Ҳасан ва ишчи Маъмура Асилова; печенье цехи устаси Саид Шужаён (ўртада) қандолатчилар Гулчеҳра Ҳакимова ва Ҳамида Эргашевалар билан.

Сергей Любчич олган суратлар.

Муҳими – иқтисодиётимиз равнақи

Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қандай ҳисса қўшмоқда ва келгусида ўз олдиларига қандай мақсадларни қўйган? Бу саволимизга Мирзо Улуғбек тумани Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси вазифасини бажарувчи Зафар ҒУЛОМОВ қуйидагича жавоб берди:

– Палатамиз ходимлари учун асосий ишларимизни ташкил этишда ва амалга оширишда Республикамиз Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини дастуруламал қилиб олдилар. Туманда фаолият кўрсатаётган ва бизга мурожаат этган ҳар бир тадбиркорни қўллаб-қувватлашни, уларда ўз ишларига ишонч уйғотишни, ҳуқуқий билимларини оширишда, учраётган ғов ва тўсиқларни енгишда кўмаклашишни, уларни республикамиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаларини рағбатлантиришда мадад беришни бош мақсадимиз қилиб белгилаганмиз.

Палатамизга 1832 та ўрта ва кичик корхоналар хусусий тадбиркорлари аъзо бўлишган. Уларнинг барчаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Тадбиркорларга ўтган йилда палата ёрдамида OBSE ва TASIS халқаро ташкилотлари ёрдамида 10 та катта консултацион семинарлар ўтказилди. Айниқса, «Аёл тадбиркорлар», «Кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш», «Тадбиркорликни ривожлантириш масофали ўқитиш Европа жамияти», «Ташқи иқтисодий фаолият» сингари семинарларимиз самарали бўлди. Шунингдек, Япониянинг ЛСА ташкилоти билан ўрта ва кичик бизнес муаммолари тўғрисида, «Тадбиркорликни ривожлантириш мувофиқлаштириш кенгаши»нинг семинарлари, Литва, Бельгия, Корея, Германия давлатлари фирма вакиллари билан ҳамкорлик биржалари ўтказилди. Ҳамкорлик биржаларидаги учрашувларда 25 та тадбиркор шериклар билан амалий алоқа ўрнатишга муваффақ бўлишди.

Йил давомида ўрта ва кичик корхоналарнинг раҳбар ва ҳисобчиларидан 70 нафари ўқишга юборилиб ўз малакаларини оширишди. Бундан ташқари «Маълумот маслаҳат маркази» доимий равишда тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб боради. Ушбу марказда тадбиркорлар электрон ҳуқуқ консультанти ҳамда интернет тармоғидан керакли маълумотлар олиш имкониятига эгалар.

Палатамиз тадбиркорларнинг маҳсулотларини сотиш, уларга хом ашё ва материал ресурсларини етказиб бериш бўйича «Ўзулгуржиббиржасавдо» бўлинмалари, «Ўзметаллсавдо», «Ўзэлектркабель», «Ўзкимёполимерсавдо» корхоналари билан шартномалар имзолаган. Шуниси қувонарлики, тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган кўплаб маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топмоқда. Пойтахтимизда ўтказилган «Тўртинчи савдо-саноат ярмаркаси», «Экофестиваль-2000», «Минитех-2000», «Ўзбекистон – Сизнинг ҳамкорингиз» кўргазмаларида 100 дан ортиқ тадбиркорларимиз иштирок этиб, ўз маҳсулотларига 47 миллион сўмлик шартномалар тузишга муваффақ бўлишди.

Кўплаб ўрта ва кичик бизнес корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринлари яратишда кредит олишлари учун қўлимиздан келганча ёрдамимизни аямаяпмиз. Жорий йилда ҳам «Стомасервис», «Бунёд» масъулияти чекланган жамиятлари, «Мармартош» жамоа корхонаси, «Хураша Маюр» кичик корхонаси, «Гербафарм», «Қизлар» хусусий фирмалари ва бошқа ўрта ва кичик корхоналарига чет эл ва миллий валютада кредит ҳамда шу асосда янги технологияларни сотиб олиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириши учун ёрдам беришни режалаганмиз. Ана шу лойиҳалар амалга ошса бир неча юзлаб иш ўринлари яратилади.

Мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратилаётгани палатамиз ходимлари олдига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Шу боис ҳам жорий йилда туманда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиққанмиз. Ана шу дастуримизнинг асосий мақсади хусусий тадбиркорликни қатъий ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони ва сифатини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини орттириш, ана шу корхона ва тадбиркорларнинг ўз изланишлари йўлидаги ҳаракатларига мадад бериш, фаолият кўрсатаётганларнинг самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг янги турларини ўзлаштиришда кўмаклашиш, тадбиркорликни рағбатлантириш муҳитини яратишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш чораларини белгилаш ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит сармояларидан ва инвестициялардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратишдан иборатдир.

Шунингдек, 2001 йилда туманда янги ташкил этиладиган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сонини 300 тага ошириш, бу корхоналар ва хусусий тадбиркорлар сони ошиши ҳисобига 3504 та янги иш жойларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Албатта, ўрта ва кичик бизнес учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш тизимини ривожлантириш мақсадида бир қанча тадбирлар режасига эгамиз.

Режаларимизни амалга оширишимизда ҳамиша туман ҳокимиятининг ёрдамига таянамиз ва бажараётган ишларимизнинг ривожи мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига муҳим ҳисса бўлишини ёдда тутамиз.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

Кўнгилдаги гаплар

Ёшим 16 да. Шаҳримиздаги бизнес мактабларидан бирида таҳсил оламан. Келгусида тадбиркор бўлишни, яъни ўз хусусий корхонамни очиб ҳам юртимизда, ҳам хоржда харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни ният қилганман.

Кўнглимдаги ниятим боисми, мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, қўллаб-қувватлашларни кўриб қувонаман. Шу билан биргаликда ўрта ва кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка оид чиқарилган ҳар бир Қонун, Фармон ва Қарорларни кузатиб бораман. Имкон қадар уларни тушунишга ҳаракат қиламан.

Мана шу қўллаб-қувватлашларни чуқур англаган, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган, билимли тадбиркор менимча мақсадига албатта эришади. Шундай тадбиркорлар борки, қонунларни тўғри билмайди, бунинг устига ҳужжатларда чалкашликларга йўл қўяди-да, ана шу боис ҳам текширувчилардан қўрқиб, улар нима деса қилишади. Агар тадбиркорнинг барча ишлари жойида, ўз ишига пишиқ бўлса ҳеч нарсадан ҳайиқмайди. У фақат кўзлаган мақсади сари интилади. Шу боис ҳам тадбиркор учун биринчи навбатда билим, ақл-идрок, фидойилик муҳим роль ўйнайди. Бизнес мактабини тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кираман ва чет элда таълим олишга интиламан. Хорижий тадбиркорлар фаолияти билан танишиш истагидаман. Келажакда эса албатта Ватаним иқтисодиётини юксалтиришда ўз ҳиссамга эга тадбиркор бўламан.

Дилмурод ҚОБУЛОВ,
бўлғуси тадбиркор.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

Хайрли мақсадлар

Тадбиркорлар ҳимояси бўйича адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун бошқармамиз доимий, аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Бунда тадбиркор ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимларидан, мансабдор шахслардан қўрқиб эмас, балки уларни ва қонунни ҳурмат қилиб, унга амал қилиб яшасин ва фаолият кўрсатсин деган ғояни ҳам тадбиркорлар онгига етказишга ҳаракат қилинмоқда. Бошқармамиз кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими ҳамда бошқа тизимларда фаолият кўрсатаётган ходимлар Тошкент шаҳрининг 11 та туманидаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарига бириктирилиб, ушбу туманлардаги тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилмоқда, ёрдам бермоқда. Ҳар ҳафтада учрашувлар ўтказилиб, тадбиркорларнинг қабул кунлари ташкил қилиниб, тадбиркорликка ва уларни ҳуқуқий ҳимоясига оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларни тушунтириш, тарғибот қилиш ишларини олиб бормоқдалар. Масъул ходимларимиз томонидан шаҳарнинг барча туманларида туман ҳокимияти, хўжалик суди, тижорат банк ходимлари, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнес субъектларини жалб қилган ҳолда 20 та семинар машғулотлари ўтказилди. Бундан ташқари ўтган давр мобайнида масъул ходимлар ўзлари томонидангина тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси борасида Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатуви, «Пойтахт», «Тошкент» студиялари орқали 20 дан ортиқ кўрсатувлар қилинди, Ўзбекистон радиосида 10 га яқин эшиттиришлар берилди, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент», «Халқ сўзи» ва бошқа рўзномаларда мақолалар чоп этилди. Бошқармамизда Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун доимий равишда 162-92-42 рақамли ишонч телефони ишлаб турибди. Ушбу телефоннинг ташкил этилганлиги ҳақида рўзномада ва телевидениеда эълон берилди. Ҳозирги пайтда ишонч телефони ҳар куни соат 9-00 дан 18-00 гача ишлайди, унда тажрибали мутахассислар тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам бериб келмоқда, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига зарар етказилганлиги аниқланган тақдирда бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ўтказилган тарғибот ишлари натижасида тадбиркорлар ўзларининг ҳуқуқлари бузилганлигини англаб олиб, уларга қилинган ноқонуний ҳаракатлар ҳақида адлия бошқармасига мурожаат қила бошладилар.

Тадбиркорларнинг мурожаатларини ўрганиб чиқиш натижасига кўра 2000 йилда бошқарма томонидан мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида 15 та жавобгарга нисбатан моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида 17.767.336 сўмлик даъво аризалари киритилиб, 14 та жавобгарларга нисбатан 12.869.977 сўм миқдоридаги моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича даъво аризалари кўрилиб, туман судлари ва шаҳар хўжалик суди томонидан қаноатлантирилди. Тадбиркорларни ҳимоя воситаси билан таъминлаш мақсадида шаҳарда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан 18. 600 тадан ортиғига Адлия вазирлиги томонидан жорий қилинган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» тарқатилди.

Бошқармамиз томонидан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг ходимларини жалб қилган ҳолда Ҳамза ва Шайхонтоҳур туманларида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг текширувчилар томонидан тўлдирилиши аҳволи юзасидан мониторинг ўтказилди. Ушбу мониторинг ўтказилиш вақтида Ҳамза туманида 66 та, Шайхонтоҳур туманида 55 та тадбиркорлик субъектларида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг юритилиши, унинг белгиланган тартибда тўлдирилиши ва киритилган маълумотларни тегишли назорат органларида таққослаш йўли билан асослилиги ўрганиб чиқилди.

2000 йилнинг биринчи чорагида шаҳардаги назорат қилувчи органлар — Меҳнат бош бошқармаси бўлими томонидан 9 та, «Авиабанк» акциядорлик тижорат банки томонидан 4 та, Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг туман инспекциялари томонидан 1523 та текширувлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича ишчи комиссияси рухсатисиз ўтказилган бўлса, тарғибот-ташвиқот ишларининг изчиллик билан амалга оширилиши, айбдор шахсларга интизомий жазо қўлланилиши, судларга даъво аризалари киритилиши, тадбиркорларга Адлия вазирлиги томонидан жорий этилган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг тарқатилиши натижасида жорий йилнинг иккинчи ва учинчи чораклари Кенгаш рухсати олинмасдан ўтказилган текширишлар сони кескин камайиб уларга барҳам бериш чоралари кўрилмоқда.

Бошқарма томонидан олиб борилаётган тарғибот натижасида тадбиркорлар ҳимояси адлия идораларига юклатилганидан сўнг ўтган қисқа давр ичида ишонч телефони орқали 63 та шахслардан ахборотлар қабул қилинди, уларнинг барчасига тушунтиришлар берилиб, ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, хусусий тадбиркорлар Р. Якубовнинг микрокредит олиш учун ҳужжатларини расмийлаштириш пайсалга солинаётганлиги, тадбиркор А. Йўлдошевнинг ИИБ ходимлари унинг фаолиятига ноқонуний аралашаётганлиги ва ҳоказо хабарлар ўрганиб чиқилди, тегишли чоралар кўрилди, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди. Шунингдек, бошқарма томонидан тадбиркорлардан келиб тушган 127 та шикоят ва аризалар текшириб чиқилиб улардан 22 та тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди, 71 тасига тушунтиришлар берилди, 15 таси рад қилинди ҳамда ҳозирги пайтда қолган (8 та) шикоят ариза бўйича текшириш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда бошқарма томонидан тадбиркорларга тарқатилган 18600 дан ортиқ «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг қаерда, қандай тарзда юритилаётганлиги, уларга киритилган ёзувлар нақадар асослилиги шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам ўрганилмоқда. Бунда асосий эътибор китобда кўрсатилган текширишларни қарамақарши текшириш ўтказиш йўли билан рухсат этилмаган текшириш эканлигини аниқлашга, китобларни тўлдириш тўғри олиб борилаётганлигига, китобга бўлган муносабатга қаратилмоқда. Бошқармамиз ходимлари Тошкент шаҳар ва шаҳардаги туман судлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрилаётган барча жиноий, фуқаролик ишлари ва маъмурий материалларнинг асослилигини доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Эркин ПАРДАЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Одилжон АЛЛАЕВ,
бошқарма мутахассиси.

«Арбаъийн»да одамийлик

Мустақиллигимизнинг биринчи йилида «Мерос» нашриёти томонидан чоп этилган ушбу рисолани ҳамон қўлимдан қўймай ўқийман. Мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг бир қанча асарларидан хабарим бор эди-ю, бунисини энди ўқирдим. Эсимни таниганимдан буён Навоий бобомизни таниганман. Одамийлик ҳақидаги ҳикматли сўзлари дилимда муҳрланиб қолган. Ҳаётда бироз адашгудек бўлсам асарлари йўлимга нурафшон бўлади.

«Одами эрсанг
демагил одами
Ониким йўқ халқ
ғамидин ғами».
«Билмаганин
сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган
ўзига золим».

Шу икки байтларини деярли ҳамма мактабларда кўрардим. Тарбиявий аҳамиятга эга эди. Биз ўқувчилар учун келажак сари парвоз эттирадиган қўш қанотимиз эди. Навоийнинг бу байтлари ҳозирги кунларимизда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб турибди...

«Арбаъийн»ни қайта-қайта ўқиб, одамийлик қиёфасини тасаввур этдим. Худди мусаввирлардек акс этибди. Навоий фикрининг тиниқлиги, авлиёсифат, донишмандликлари ёқди. Ўз кучлари етарли бўлсада ўзларидан ҳам кўп билганларга ёндошибдилар. Илгари «Хамса»ни ёзганларида Навоий Ганжавийга суяниб иш қилган бўлсалар, эндиликда устоз Жомийга мурожаат этиб, у кишини ўта одоб билан эъзозлаб шундай ёзибдилар:

Чун соф аҳли пок фаржоми,
Покфажам-у покфар Жомий.
Ул яқин сори дастгир манга,
Қиблаву устоду пир манга.

«Арбаъийн»да ёзилган ҳар бир шеърий мисралар ўқувчида завқ уйготади, одамийлик ва мусулмонлик нималардан иборат эканлиги ҳақида ўйга толдиради.

Мўмин эрмастур улки, иймондин,
Рўзғорида юз сафо кўргай.
Токи, қардошига раво кўрмас —
Неким, ўз нафсига раво кўргай.

Бошқа бир ҳадисда:

Ким мусулмонлиг айласа даъво,
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондурки, солимдур,
Тили-ю, оғзидан мусулмонлар.

Сир эмаски, Алишер Навоий устозлари Жомийни пайғамбар ҳадисларидан саралаб олган қирқ ҳадисни форсий-тожик тилидан соф ўзбекчага шеърий усулда ўгирганлар. Туркий халқларга тушунтиришга, етказишга ҳаракат қилибдилар, одамийлик нималигини тарғиб қилишларининг ўзи — савобли ишдир.

Ушбу ҳадисларда шу куннинг талабини сезаяпмиз. Навоий оила бошлиқларининг бурчи, мусулмонлик хусусида Жомийнинг форсий-тожик тилидаги ҳадисини ўз тилимизда ифода эта олган.

Раҳм-шафқатли бўлиш ҳақида Навоийнинг ҳадисдаги ушбу мисралари ҳам диққатни тортади:

Тенгридин раҳм
агар тамаъ қилсанг,
Аввал ўлмоқ
кераксен элга раҳим.
Ҳар кишиким,
улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм айламас
раҳими карим.

«Арбаъийн» рисоласида одамийликка хос ҳадислар талайгина. Навоий бобомиз ҳаётда фойдаланиш учун пайғамбаримизнинг қирқ ҳадисни савобли иш бўлар деб, ўзбек тилига маҳорат ва ҳаяжон билан ўгирар эканлар, саралаб олаётганларида биз илм соҳибларини ҳам унутмайдилар. Одамийликка хос: «Пок де, пок е, пок яша» деган мақсадларини қайта-қайта уқтирадилар. Поклик мисоли дарахтнинг ўқ илдизи, ўқ илдизи бўлмаса ҳар қандай дарахт қуриб, йўқ бўлиб кетишини тарғиб қиладилар.

Қайси мажлисдаким,
эшиттинг сўз,
Билки, ул сўз санга
омонат эрур.
Гар ани ўзга ерга нақл этсанг,
Ул омонатка бу хиёнат эрур.
Деди: кўп сўзлаган хато кўп этар,
Улки дерлар они валиюллоҳ.
Ҳар балоким етар, эрур сўздин,
Бўйла ҳукм айлади набиюллоҳ.

Куни кеча Темурийлар тарихи давлат музейига кириб, Навоий замонида Тошкентда яшаган Хожа Аҳрор Валийнинг Навоийга ёзган мактубларини ўқиб ҳайратга толдим. Мактубда шундай дейилибди: «Эшитишимча онҳазрат, яъни султонга мулозамат қилишидан (Ҳусайн Бойқаро назарда тутиляпти) гоҳо маломат чекар экансиз. Илтимос шуки, мусулмонларга мадад етказмоқ ва бирор фақирнинг дили мушкуллик халос топиб, шод бўлмоғи учун хотири тарафингизни сарой хизматидан узманг. Бирор киши ҳам мусулмонлар ғамини ейишни ўйламай қўйган бу вақтда уларга ғамхўрлик қилиш — энг хайрли ишдир!» Хожа Аҳрор маслаҳатларига кўра Навоий шоҳлик саройини тарк этмай, халқ ғамида яшабдилар. Демак, одамийлик ҳақидаги ҳикматли сўзларини шу мактубдан сўнг ёзганлар деган фикрда бўлиш мумкин.

НАВОИЙНИ ЎРГАНАМИЗ

560

Маҳмуд РАМАЗОН ўғли,
Ўзбекистон Бадиий академияси
Санъатшунослик илмий-тадқиқот
институтининг илмий ходими.

Алишернинг жонажон дўстлари

Улуғ алломаларнинг дўстлиги ҳам буюк бўлади. Ўтмиш тарихимизда бу фикримизга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бунинг ёрқин мисоли қилиб улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ва форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси Абдураҳмон Жомий дўстлигини кўрсатиш мумкин. Гарчи, бу икки даҳо ижодкорлар икки тилда ижод қилган бўлсаларда, бироқ уларнинг ижодий маслаклари бир бўлган.

Жомий Навоийни жуда эъзозлар ва ҳурмат қилар эди. Айни пайтда, Навоий ҳам Жомийни ўзига устоз ва пир санар эди. Жомий катта обрўга эга бўлса-да, лекин фақирона кулбада камтар ҳаёт кечирар эди. Бу кулбани кўпчилик зиёрат қилишни орзу қилар эди. Жомий қандай янги асар яратса, доимо Навоийдан унга баҳо беришни илтимос қилар эди. Шунингдек, Навоий ҳам янги асарларини Жомийга биринчи бўлиб ўқитар эди.

Жомий Навоийга ўз она тилида «Хамса» асарини яратишга хайрихоҳлик кўрсатган, маслаҳатлар берган ва ундаган. Бу асар юзага келгач, Жомий асарнинг халқ ўртасида кенг шуҳрат топишига ёрдам кўрсатган.

Жомий Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига ҳам катта эътибор билан қараган. Унга тегишли маслаҳатлар бериб турган. Уларнинг дўстлигига фақат ўлимгина раҳна солган. Навоий Жомийнинг вафоти муносабати билан ўтказилган барча маъракаларга ўзи бош бўлган. Ва дўстлик хотираларини абадийлаштириш мақсадида Жомийга бағишлаб махсус «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарини ёзган.

Ҳикоямиз дўстлик хусусида борар экан, Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Булар ёшликдан бирга ўсиб, ўқиб, тарбияланишган. То умрининг охиригача 56 йил дўст бўлишган.

Навоий «Вақфия» асарида ёзишича, Навоийнинг отаси Бойқаро отаси хонадонида хизматда бўлган. Ҳатто, бу дўстлик, яқинлик илдизлари ундан ҳам олдинроқ бошланганига ишоралар бор.

Улар мактабда бирга ўқиб юришган чоғларидаёқ, қалбларида адабиётга кучли ҳавас уйғонган. Ана шу ижодга бўлган ҳавас ҳам уларнинг дўстлик ришталари абадий боғланишига туртки бўлган.

Кейинчалик Ҳусайн Бойқаро давлат ҳукмдори бўлганда ҳам, Навоийга «давлат маншури» – таклифнома юбориб, саройга хизматга чақирган. Навоий таклифни қабул қилиб, аввал саройда Бош муҳрдор, сўнгра Бош амир лавозимларида дўстига садоқат билан хизмат қилган.

Навоий давлат арбоби сифатида халқ манфаатлари йўлида тинмай меҳнат қилди. У халқ учун 360 дан ортиқ йирик маданий иншоотлар қурдирди. Кўплаб ортиқча солиқларни бекор қилди, турли урушларнинг олдини олди. Бу ишларни у дўсти Ҳусайн Бойқарога суянган ҳолда амалга оширди.

Навоийнинг таъкидлашича, Бойқаро даврида маданият 10-20 ҳисса ортган. Шунингдек, у «Ҳусайний» таҳаллусида ғазаллар ҳам ёзган. Унинг «Рисола. Девон»и бизда нашр этилган. Ундан ўрин олган шеърлар бадиий жиҳатдан мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг улуғ ижодкорлигига, чин инсонлигига катта баҳо берган. Уни чексиз ҳурмат қилган. Лекин бу дўстликка содиқ сиймоларни ҳам бевақт ўлим ажратган. Навоий вафот этгач, Ҳусайн Бойқаро дўстининг уйида уч кун аза очиб, мотам тутиб ўтирган.

Бир сўз билан айтганда, дўстлик бу муқаддас тушунча. Улуғ алломаларимизнинг самимий ва беғубор дўстлиги эса ҳозирги кунларимизда ҳам барча учун ибратлидир.

Баҳодир ҲАБИБ, адабиётшунос.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

УСТОЗ

«Тошкент оқшоми» муҳарририятида заҳматкаш инсон Тўлқин ака Расулев ҳузурида ўтирар эдим. Эшик очилиб, бизнинг институтда ишлайдиган кекса домламиз Шорасул Зуннун кириб келдилар. Мен Ш. Зуннун билан бирга ишласам ҳам, у киши билан ҳали яқиндан таниш эмас эдим. Домла ҳам мени юзимдан таниса-да, отимни билмас эдилар. Биз ўрнимиздан туриб, домлани кутиб олдик.

– Мана, устозингиз ҳам шу ерда, –деди Тўлқин ака домла билан кўришаётиб ва менга ишора қилди.

Мен ҳам, домла ҳам ҳайрон бўлиб, бир-биримизга қарадик.

Тўлқин ака тушунтирди:

– Мана шу йигитни деб, «Оқшом»га боғланиб қолган эдингиз, шунга ҳазил қилиб, устозингиз деяпман.

Абадий бахт сари йўлловчи – устоз,
Билмаганни аён айловчи – устоз.
Қалбингдан жаҳолат зангини ювиб,
Маърифат дурини жойловчи – устоз.

Домла қўлидаги материални Тўлқин акага топшириб бир икки оғиз сўзлашди-да, чиқиб кетдилар. Мен Тўлқин акага нега бундай дедингиз, маъносида қарадим. Тўлқин ака:

– Домла сизнинг устингиздан бизга арз қилиб келган эдилар. Ўшанда «Ахлоқи Муҳсиний» асарини бераётган эдик.

Домла: «Бу асар бошдан-оёқ подшоларнинг мақтови ҳақида, демак подшоларни қайтариб олиб келиш керак экан-да» деган эдилар. «Уни сиз билан бирга ишлаётган Маҳмуджон тайёрлаб бераяпти» деган эдим, бироқ домла сизни танимади. Мен домлага: «Олим одам экансиз, бундай нарсаларга аҳамият бериш ўрнига ўзингиз одоб-ахлоқ ҳақида ёзиб беринг, халқимиз илмингиздан фойда олсин» дедим. Шундай қилиб, «Оз-оз ўрганиб доно бўлур...» рукни пайдо бўлди. Домла сизни танқид қилиш учун келмасалар эди, ажойиб рукн пайдо бўлмас эди. Шунинг учун, ҳазил қилиб, сизни устоз деб таништирдим.

Ҳа, Ш. Зуннун «Тошкент оқшоми»да анча йиллар бу рукнни олиб бордилар. Ёзганлари «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» номи остида бир неча марта китоб ҳам бўлиб чиқди. Биз кейинчалик домла билан ота-бола бўлиб кетдик. Улар мени Муҳиббий деган тахаллус билан чақирар эдилар.

Олтин билан одам бўлмассан,
Олқин билан ғамга тўлмассан.
Яхши деган ном қолдирсанг,
Кўплар ўлар, сен-чи ўлмассан.

РАИС

Таътиллардан бирида Марҳаматга бордим; катта акам Абдулҳай Маҳмуд:

– Аъзамхон раис тўй қилаётган экан, бирга бориб келайлик, –деб қолди.

Аъзамхон раис узоқ қариндошимиз бўлиб, Ўш вилоятининг Аравон туманида яшар, узоқ йиллар колхозга раислик қилган эди. Уруш йиллари пул тўплаб, Россияга юборган ва бу пулга танк ишланган экан. Ҳозир ўша танкни Аравонга олиб келиб, ноҳия марказига ўрнатиб қўйишган.

Мен акам билан тўйга боришга рози бўлдим. Акам бироз иккиланиб:

– Бундан уч-тўрт йил аввал Аравонда бир ўтиришда раис билан бирга бўлган эдим. Журналда босилган бир ўсимликнинг дорилиги ҳақида гапираётган экан. Менинг Тошкентдаги укам ўтмиш ҳакимларнинг ўсимликлар ҳақидаги сўзларини «Тошкент оқшоми»да чиқаряпти, бир ўқиб кўрсангиз бўларкан, деган эдим, у: «Мен айтаётган гапларни замонавий врач ёзган, ўтмиш ҳакимларингиз нимани биларди», деб қўл силтаган эди. Ахир, одамларнинг ичида: «Қариндошимиз шундай нарсалар ҳақида ёзяптими, майли, бир ўқиб кўрайлик» деб қўйса бўларди-ку! Шундан кейин, у одамдан бироз кўнглим қолган, –деди.

Қор аста ёғару тоғ ҳосил қилар,
Дарахтлар кўпаяр, боғ ҳосил қилар.
Арзимас кўринган ҳар бир ёмон феъл,
Йиғилиб, юракда доғ ҳосил қилар.

Ҳарқалай тўйга бордик. Ҳовли ўртасидаги катта сўридан жой олдик. Раис биз билан ўтирди. Одати бўйича ҳеч кимга сўз бермай, гапириб кетди. Сўзлари касаллик ва дорилар ҳақида эди.

Дунёда ҳар ишнинг меъёри бордир,
Ортиғу камликда қарори бордир.
Ойнага назар сол, меъёрни билмас,
Шунинг-чун юзида ғубори бордир.

Раис бирдан менга мурожаат қилиб:

– Ука, 24 йиллик қанд касали стажига эгаман. Бормаган жойим ва ичмаган дорим қолмади. Собиқ СССРдан тортиб то Чехословакиягача бориб келдим. Бўлмади. Охир бир сеҳрли дори топдим-у жоним тинчиди. Беш йилдан буён шу дори билан тирикман, –деб қолди. Мен ҳам, бошқалар ҳам бу сеҳрли дори нима экан, деб унга тикилиб қолдик. Буни сезган раис давом этди:

– Бир куни девор календари варағига ёзилган арпанинг хосиятлари ҳақидаги нарсани топиб олдим. Шу дорини қилдим, мана беш йилдирки, азоб чекмай юрибман. Ўшда бир дўстим бор эди, у ҳам 25 йилдан бери шу касал билан оғрийди. Кўчириб ол, деб берсам, номард қайтиб бермади.

Мен раисга юзланиб:

– Ўша варақда арпа ўз тилидан, мен унга ва бунга дориман, деб гапирадими? –деб сўрадим.

– Ҳа, –деди раис, – сиз ҳам буни биласизми?

– Биласизмигина эмас, ўша нарсани мен ёзганман, – дедим. Сўнг тушунтиришга киришдим: – Андижонлик дўстим Қобилжон Афғонистонда ишлаётганда менга Эронда чиқадиган «Иттилоот» номли журналларни олиб келиб берган. Ундаги Ғиёсуддин Жазоирийнинг «Забони хурокиҳо» («Емишлар тили») деган мазмундаги мақолаларни таржима қилиб, «Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилганман. Девор календаридаги мақола шу газетадан олиб босилган.

Шундай деб, акамга қарадим. Акам бирдан жонланиб:

– Раис тоға, эсингизда борми, бир ўтиришда: «Укам Тошкентда ўтмиш ҳакимларнинг ёзганларини газетада бостиряпти, уни ўқисангиз бўлар экан» деганимда, қўл силтаган эдингиз, –деди. Раис жим қолди ва менга узоқ тикилиб турди. «Менинг дорим қариндошларимнинг қўлида экан-у билмабман-да, ўшанда Абдулҳай Маҳсумнинг сўзига қулоқ солмай, хато қилган эканман» деяётганга ўхшарди.

Сўнг раис тилга кирди ва деди:

– Ука, – бошқа табиблар ҳам бу касаллик ҳақида ёзганми?

– Бизнинг қўлёзмалар фондимизда минглаб тиббий асарлар сақланади. Уларнинг ҳаммасида бу касалликка қарши махсус боблар берилган, -дедим.

– Жон ука, – ялинишга тушди раис, – бошқа дориларни ҳам менга ёзиб юборинг.

Мен ёзиб юборишга ваъда бердим.

Кетаётганимизда акам менга қараб:

– Ўшанда сўзимга қулоқ солганда катта фойда олган бўлар экан, жуда қўлга тушди-да –деди.

Акам ўзича хурсанд, мен эса ўзимча эдим. Менинг хурсандлигим – ёзганимнинг бекор кетмагани, бир одамнинг бўлса-да дардига шифо бўлиб, жонига оро киргани эди.

Сув келса, уйга зар кириб келади,
Полизга хуш самар кириб келади.
Сув катта-кичикка қарамас асло,
Ҳаммага баравар кириб келади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

Маърифат истар кўнгил...
Равиль Альбеков олган суратлар.

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

Шоир руҳин шод этиб

Янги аср нафасини замондошлари қатори эндигина энтикиб туйган шоир Отаёрнинг бевақт вафоти ҳақидаги нохуш хабардан кўпчиликнинг қалби ларзага келди. Устозлари, тенгдош дўстлари, шогирдлари ва сон-саноқсиз мухлислари таассуф ила бош чайқаб қолдилар. Начора, ўлим ҳақ... «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида ёритилган армонли битикларни ўқиб, қайғуга ботдик. Миртемирдек улуғ устоз шоирнинг «этагини тутган», катта адабий давраларни кўрган, кўплаб нафис шеърлари ҳамда «Одамлар учун яшайман», «Бахши хазинаси», «Дунё хазинаси дурдоналари» каби тўпламлари билан мухлислар қалбидан жой олган Отаёрнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши барча ижодкорлар, адабиёт мухлислари учун қайғули, албатта.

Марҳум журналист ва шоир Отаёр руҳини ёд айлаш ниятида пойтахтимиздаги Ибн Сино мавзеи томон йўл олдик. Шоир яшаган тўққиз қаватли уйга яқинлашарканмиз, ҳовлида юришган беш-ўн чоғли ўғил-қизлар ҳайрат ва ҳаяжон билан термулишиб қолишди. Уларнинг шивирпичирлари қулоққа чалинарди: «Анави киши Эркин Воҳидов деган шоир-ку! Ия, ана Ўткир Ҳошимов! Кечагина адабиёт дарсида ўтгандик!..»

Табиийки, ортиқча гапсўзларга эътибор бериб ўтирмасдан, сипогина четдаги йўлакка кирдик. Иккинчи қаватга кўтарилдик. Ҳурматли адабиётшунос олимимиз Иброҳим ака Ғафуров тиловат ўқидилар. Раҳматли шоирнинг оила аъзоларига таъзия билдириб чиққанимизда ғаройиб ҳодиса юз берди. Ҳалиги ёшлар сафига яна йигирма-ўттиз нафари қўшилган, чамаси, шу уй ёнгинасидаги мактабдан чиқишган ўқувчилар ҳам тўпланишиб кутишаётган экан. Қўлларида адабиёт дарслиги. Бири Эркин Воҳидовнинг, бошқаси Ўткир Ҳошимовнинг «саҳифаси»ни очганча туришарди. Улар ҳаш-паш дегунча севимли адибларини ўраб олдилар. Қўлларига қалам тутқазишганча бир-бирига гал бермай дастхат ёздирардилар!.. Сал бўлмаса шеърхонлик ё адабий учрашув бошланиб кетиши ҳеч гап эмасди! Бироқ, биз таъзияга боргандик...

Алҳол, кўнглим нимадир туйди; шу лаҳзада раҳматли Отаёр аканинг руҳлари атрофимизда шодумон кезаётган бўлса не ажаб!.. Гарчи мавриди бўлмаса-да, ўз ҳовлисида ёш адабиёт мухлислари томонидан уюштирилган «адабий анжуман»дан унинг руҳи шод бўлмаслиги мумкин эмас!.. Тириклигида у кўпқаватли уйида, маҳалласида, қолаверса, ёнма-ён жойлашган мактабда ўзига хос адабий муҳитни вужудга келтирган, «Тошкент оқшоми» газетасида ишлаган завқли дамлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаган. Дарҳақиқат, маҳалладошлар «ўз шоири» билан фахрланиб юришган. Шоир хонадонига ташриф буюриб турган таниқли ижодкорларга ҳамиша ҳавас билан қараганлар. Маҳалладошларида адабиётга қизиқиш ортиб боришида албатта раҳматли Отаёр аканинг хизмати катта бўлган. Бинобарин, унинг хонадони, ҳовлиси ҳеч қачон ҳувиллаб қолмаса керак. Айни шу лаҳзаларда устоз-у шогирдлари билан бўлаётган адабий мулоқот аслида унинг хотирасига бағишланаётган ва албатта руҳини шод этаётган эди...

Ҳа, адабиёт оламининг умрибоқийлиги, ҳақиқий ижодкор руҳи мангу яшаши шу бўлса керак.

Тўлқин ЭШБЕК

Ўзбек адиблари – «Оқшом» учун

(Давоми).

Эшик очилди-ю Жалил ижроқўм вакилини бошлаб кирди. Асадбек «йўлни нариги маҳалладан сол, бу ер бузилмайди», дегач, «ижроқўмдан келган ўрток» беихтиёр равишда «иш бошланган, лойиҳани ўзгартириб бўлмайди», деб юбордию тилини тишлади. Асадбекнинг ўқрайиб қарашига дош беролмай изига чекинди. Жалил унга эргашган эди, Асадбек заҳарли овози билан уни тўхтатди:

– Жалил!

– Кузатиб қўяй, – деди Жалил, остона ҳатлаб.

– Жалил! – заҳарли овоз энди таҳдид либосига ўралди. – Ўтир. Чақирилмаган меҳмон, ўзи кетаверади.

– Танчага чўғ олиб чиқаман.

– Ўтир дедим, сенга!

Жалил қайтиб, танчага омонат ўтирди. Кейин ўрнидан туриб қўшни хонага кирди-да, электр печи олиб чиқиб қўйгач:

– Аҳмоқлик ҳам эви билан-да. Сен аҳмоққа қўшилиб шамоллашга тобу тоқатим йўқ, – деб яна ташқарига чиқди. Уч-тўрт дақиқадан сўнг хокандоз тўла чўғ кўтариб кириб танчага солди. Чап панжасида сиқимлаб турган исириқни чўғ устига ташлаб, жойига ўтиргач, «гапинг бўлса ана энди гапир» дегандай ошнасига қараб олди.

Асадбекнинг унга айтадиган гапи йўқ эди. Фақат бир неча дақиқалик ёлғизликдан сўнг дўстининг ёнида бўлмоғини истаб қолганди. Бир зумлик сукутдан кейин Жалил қарашига ярашиқли жавоб олди:

– Илгари ҳам шунақа аҳмоқмидинг ё энди аҳмоқ бўляпсанми?

– Ҳа, укахон, нимага ачишиб қолди?

– Ўртоғингни бошлаб киришинг шартмиди?

Жалил нотўғри иш қилганини англаб турса ҳам айбига иқрор бўлгиси келмади:

– Уйма-уй юрган экан, мен бошлаб келибманми?

Жалил авж пардасини озгина кўтариш эвазига даҳанаки олишувни дебочасидаёқ ўз фойдасига ҳал қилди. Итининг феъли эгасига маълум деганларидек, ошнасининг қилиғини яхши билган Асадбек «яна бобиллаб бермасин», деган хавотирли ўйда мағлублик тамғасига итоат этиб битта гапдан қолди.

Оёғидан иссиқ ўтгач, бадани бўшашди. Уйку босиб мудрай бошлаганда кўча эшик очилиб, остонада тўн билан телпак кўтарган Ҳалимжон кўринди. Жалил ўрнидан тураётганида Асадбек кўзларини очиб, ташқарига қараб олди-да, ошнасининг меҳрибонлигидан ийиб кетди. Тўн, телпак, иссиқ жун қўйлак, жун пайпоқ олиб келишга Ҳалимжонни жўнатиш ҳатто ўзининг ҳам хаёлига келмаган эди. Асадбек кийимларни алмаштириб олгач, декчада қайноқ шўрва, иссиқ нон, чой киритилди. Асадбекнинг иштаҳаси бўлмаса ҳам, ўртоғининг зўри билан шўрвани хўриллатиб ичиб олди-ю пешонасидан тер чиқиб танаси яйради. Икки пиёла чойни кетма-кет ичиб олгач, Жалил лўла болишга ёнбошлади:

– Камбағалнинг тўйгани – чала бой бўлгани, – деди у кекириб. – Сенга қўшилиб мен ҳам бой бўлдим, Худога шукур.

– Менчи? – деди Асадбек.

– Сен мендан баттарроқ камбағалсан.

– Шўрва ичгандан кейин ҳамми?

– Сен камбағал – бой деганда нимани тушунасан ўзинг? Пулинг кўп бўлса бойсану йўқ бўлса камбағалмисан? Пул деганинг қўлнинг киримми? Собитхоннинг гапларини эшитганмисан? Одамнинг чўнтаги эмас, иймони бой бўлиши керак. Эгамнинг олдига шу бойлик билан бориб рўпара бўламиз.

– Шўрва ичса иймон бой бўладими?

– Калланг жойидами? Шўрва нимаю иймон нима, фарқига борасанми ўзинг?

Жалилнинг чала муллалиги тутиб, у ерда – бу ерда эшитганларини дастак қилиб «амри маъруф»ни бошлаб юборди. Асадбекнинг жимгина ўтириб тинглаши Жалилга илҳом қувватини берди – ҳали у, ҳали бунисидан чўқилаб-чўқилаб, бўзчи билганини тўқиганидай гапираверди.

Асадбекнинг сомелиги зоҳиран эди. Хаёли Чувриндининг ўлимига доир муаммолар чигилини ечиш билан банд бўлгани сабабли айтилаётган насиҳатлар у қулоғидан кириб бунисидан чиқар, мияга ўтишга, фикр хазинасидан жой олишга унинг ожиз ҳолати йўл қўймас эди. Унинг учун энг маъқули – Жалилнинг тинмай «сайраб» туриши. Нима деса ҳам майли, гапирса бас. Ҳозирги ҳолатида Асадбекнинг вайрон кўнгли ёлғизлик азобига дош беролмайди. Жалил уйига кириб чиққунича буни ҳис қилди – уй деворлари ўрнидан силжиб уни сиқа бошлади. Жалилнинг жим ўтириши эса ёлғизликдан ҳам ёмонроқ.

Тош бўлиб қотган, муҳрланган қалбни эритмоқ фурсати ўтганини фаҳмламаган Жалил ошнасининг ўзига хос мамлакат фиръавни эканини, охират қисмати ҳам фиръавники каби эканини ўйлаб кўрмаган эди.

– Худо сенинг жонингни қайтиб берди, бир ўлиб, бир тирилдинг, – деди Жалил. – У дунёга ўтишингга бир қарич қолувди. Ўлсам нима бўламан, деб ўйламадингми ҳеч?

Бу савол Асадбекнинг сомелиги сохта эканини, «амри маъруф»ни тингламаётганини фош қилди.

– Сенга гапиряпманми ё деворгами? – деди Жалил зардали оҳангда.

– Гапингни қайтар, тушунмадим, – деди Асадбек енгил йўталиб.

– Эшитсанг тушунардинг, – Жалил шундай дегач, саволини такрорлади.

Асадбек хаёлидаги паришонликни яшириш учун жавобдан бўйин товлади:

– Ўлимни ўйлаш учун касал бўлиш шартми, ўзинг ўйламайсанми?

– Менинг ўйлашим бошқа, сеники бошқа. Оллоҳ чақирса «лабба-й!» деб кетавераман. Менинг бу дунёда ачиниб ташлаб кетадиган матохим йўқ. Сенга қийинроқ – шунча тўпланган мол-дунёни ташлаб кетишнинг ўзи бўладими? Ҳали бу топган-тутганларингни ҳисобини беришинг ҳам бор. У ёқда юмшоқ каравотў пар ёстиқлар йўқ. Муздек ерда ётасан бошгинангга битта гувала қўйи-иб...

Бу гапни эшитган Асадбек худди лаҳадда ётгандек сесканиб кетди:

– Гапингнинг совуқлигини қара, ойинг музхонада туққанларми сени?

– Гапим совуқ бўладими, иссиқми – ҳақиқат шу!

Кўча эшиги очилиб Тўлқин кўринмаганида уларнинг бу «ширин» суҳбатлари сўкиш билан якунланиши аниқ эди. Тўлқин уларнинг синфдоши, айнан шунинг йўқолган пероси туфайли болалар Асадбекка тупуриб, «халқ душманининг боласи»га ўз нафратларини изҳор этишган эди.

Жалил танчанинг чўғхонасидаги чойнакни олиб чой қуйиб узатди. Асадбек Тўлқинни ҳар кўрганида ўша тупуриш воқеасини эслаб бир ижирғаниб оларди. Айни дамда, юраги зардобга тўлиб эзилиб турган онларда унинг ташрифи дард устига чипқондай бўлди. Тўлқин бемаврид кирганини фаҳмлаб, қандай туриб кетишни билмай каловланди.

– Асадбек ака, қалай, яхши юрибсизми? – деди-ю кўзларини ундан олиб қочиб нажот умидида Жалилга қаради. Асадбек «ҳа» деб қўя қолса осмон узилиб ерга тушмас эди. Шундай бўлса ҳам индамади. Орадаги бир лаҳзалик совуқ сукутни Жалилнинг овози қувди:

– Қачондан бери Асад сенга ака бўлиб қолди? – деди у бироз киноя оҳангида.

– Ҳа, энди ҳурматлари бор-да.

– Ҳурмати зўр бўлса бошқаларга зўр, жилпангламасанг ҳам бўлади. Сен билан менга у бор-йўғи бир ошна. Қолгани сен билан менга сариқ чақа. Ҳа, бирон ёққа шошяпсанми ё акагинангни кўриб иштонингни хўл қилиб қўйдингми? – Жалил бу гаплари билан «маънили бирор гапинг ё юмушинг бўлмаса кета қолганинг маъқул», дегандай ишора қилди. Тўлқин буни тушунди, қайноғи ўлмаган чойни хўплаб, оғзи куйса ҳам ютди-да:

– Жанозага ўтиб кетаётган эдим, қарасам эшик очиқ экан, балки сизлар ҳам борарсизлар деб, ҳам баҳонада кўришиб қўяй, деб кираверганим, – деди.

– Ким ўлибди? – Жалил шундай деб у узатган пиёлани олди-да, гулдор патнис устига қўйди.

– Суҳроб ота, бир пайтлар почтачи бўлган одам-чи?

Бу гапдан кейин Асадбек унга ялт этиб қаради. Тўлқин у одамнинг хатчи эканини таъкидламаса ҳам Асадбек яхши билади. Красноярдан қайтгач, отасининг хатларини ким ёқиб юборганини билганда уни бўғиб ўлдиргиси келганди. Шуни эслади-ю «Барибир ўлибди-да» деб тўнғиллади. Тўлқин унинг гапини англамай «менга гапирдими?» деган савол назари билан Жалилга қаради. Жалил Асадбекнинг гапини эшитиб, тушунган бўлсада, эътиборсиз равишда фотиҳага қўл очди. Тўлқин қайнотасининг ҳузурига илк бор кирган куёв каби довдираб ўрнидан турди. Остона ҳатлаётганида Асадбек уни тўхтатди:

– Тўлқин, сендан бир илтимос ошна, жанозангга бориб юрма, у палидни ёқиб кулини совурган одам савобга қолади. Сен боллари тўплаб кел. Ош қилиб беришни ният қилган эдим, бугун би-ир ўтиришайлик.

Тўлқин «хўп» дедию «гапи чинми?» дегандай Жалилга қаради:

– Ҳа, мен буни битта ошга туширганман.

– Асадбекни шу пайтгача ҳеч ким туширмаган, сенга йўл бўлсин, – деди Асадбек, кейин Тўлқинга юзланди. – Кўчада турган болани айтвор, кирсин.

Тўлқин кўчага чиқиши билан Ҳалимжон илдам юриб келиб уй остонасида тўхтади.

– Сен нима қилиб турибсан?! – деди Асадбек унга қаҳрли нигоҳини қадаб. – Ким келса кириташверасанми?

– Болаликдаги ўртоғингиз эканлар, – деди Ҳалимжон гуноҳкор одам товушида.

– Аканг мен билан ўтирганида бировни кўйма ёки аввал сўраб, кейин қўй, нима дединг, укам?

Жалил вазиятни юмшатишга уринмаса ҳам Асадбек хаёлига келган фикрдан кўнгли бир оз юмшагани туфайли йигитга бошқа танбеҳ бериш ниятн йўқ эди.

– Болларга айт, иккию икки[1]га мўлжаллаб харажат қилиб чиқишсин, – деди Асадбек.

«Ўтмиш эса ҳамиша тотли» деганларидек, болаликда орттирилган дўстларни, улар яхши бўладими ё аблаҳми – фарқсиз, кўнгил тусаб туради. Бундай кўнгил хуружи бошқаларга нисбатан Асадбекда камроқ содир бўларди. Не ажаби, ҳозир эзгин бир кайфиятда ўтирганда, ҳатто Тўлқиннинг ташрифи ёқмай турганида камнамо соғинч уйғонди. Жалил буни тушуна олмас, Асадбекнинг эса изоҳ бермоққа тоқати йўқ эди.

– Менга қара, укам, маҳаллачилик деган гаплар бор. Ош пишгунча жанозага чиқиб кела қолайлик, – деди Жалил.

Асадбек қовоқ уюб қараб қўйди-ю, индамади.

– Ҳали ҳам аламинг бормиди унда. У бечора атай қилибдими? Мусулмон мусулмоннинг гуноҳини уч кун ичида кечириб юбориши керак.

Бу гап Асадбек вужудидаги ғазаб отининг бир сапчишига сабаб бўлди. Қўли беихтиёр равишда патнис устидаги пиёлага югурди, беихтиёр равишда пиёлани чангаллади, беихтиёр равишда уни Жалилга қаратиб отмоқчи бўлди, аммо кўз кўзга тушиши билан фикридан қайтди, совуб қолган чойни ён томонга сепиб ташлаб, пиёлани «тўқ» этиб жойига қўйди.

(Давоми бор).

[1] «Икки кило гўшт икки кило гуруч» демоқчи.

УНУТИЛАЁЗГАН АНЪАНАЛАР

ҚОРХАТ

Кечки таомдан сўнг одатимча китоб мутолаасига киришдим. Саид Аҳмаднинг танланган асарлари III китобининг чала қолган жойидан ўқий бошладим. Ўзига хос «Саидаҳмадча» тил билан ёзилган, бир-биридан ажойиб, таъсирли хотиралар изидан бориб, гап навбати Ғафур Ғуломнинг Собир Абдуллага ёзган «Қорхати», унинг ёзилиши тарихига етганини ҳам сезмай қолибман.



Унда қирқ олтинчи йилнинг кеч кузида Саид Аҳмад ва Туроб Тўла шеър ёздириш учун Ғафур Ғуломнинг уйига боришгани, то шоир шеърни тугатгунгача гупиллаб биринчи қор ёға бошлаганлиги, Ғафур Ғулом деразадан паға-паға ерга тушаётган қорга бирпас тикилиб туриб, ўзича нималарнидиф шивирлагани, тўсатдан «Менга қараларинг, қазили палов егиларинг келяптими», дегани, улар ҳайрон бўлишгани ҳикоя қилинади. Ғафур Ғулом «Мен ҳозир Собир Абдуллага «Қорхат» ёзаман, шуни қўлга тушмасдан топшириб келасизлар, қазили паловни ўшанда ейсизлар, агар қўлга тушиб қолсаларинг паловни ўзим пишириб бераман», дея қоғоз-қалам олиб қорхат ёза бошлайди. Хатда зиёфатда иштирок этадиган шоирларнинг сифатлари, исмлари қофия билан ниҳоятда нафис тасвирланади. Хатни шогирдлар қўлга тушмай эсон-омон топшириб келганлари, орадан беш кунлар ўтгандан кейин Собир Абдулла зиёфат қилиб бергани, дўстлик ва биродарликнинг, одамларнинг бир-бирига бўлган оқибатининг ажойиб намунаси шоирона бир тарзда ҳикоя қилинади. Агар ёдингизда бўлса ўша машхур «Қорхат» шундай бошланарди:

«Азиз дўстимиз Собиржон ибн Абдуллога етиб маълум бўлсинким:

Кўлингиздаги ярқираб турган бу хат — қорхат, укам,
Кўлга тушдингиз, иложсиз белни боғлайсиз маҳкам...»

Шеърни қайта-қайта мазза қилиб ўқидим. Ташқарига қарайман, чилла кирганига бир неча кун бўлганига қарамай бизда ҳали ҳамон қордан дарак йўқ. Хаёл қиламан, қани энди қор ёғақолса-ю, ўртоқлар, улфатлар билан бир-биримизга шундай ажойиб қорхатлар ёзишсак, бир-биримизни поклик рамзи бўлган биринчи қор билан табрикласак, дийдор кўришсак деган хаёллар билан тонгни оттирдим.

Эрталаб турсам, не кўз билан кўрайки, ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланибди. Ўзимга ўзим ишонмайман, ўнгимми ё тушим? Янги йилнинг илк ойи ўн бешинчи кунида ёққан янги минг йилликнинг биринчи қори!

Тезда апил-тапил кийиндим-у, эрталабки нонуштани ҳам насия қилиб ишга — ўртоқларим олдига шошилдим. Воқеани бутун тафсилотлари билан айтиб бериб мақсадимни тушунтирдим.

Менинг дўстларим ажойиб инсонлар. Ҳозир ҳаммаларини номма-ном айтсам, таниб қоласизлар, шунинг учун «сир» сақлайман. Аммо орамиздаги шоир дўстимиз ҳақида индамай ўтолмайман. У оғайнимиз жуда зукко, ақлли. Ғафур акага ўхшаб жойнинг ўзида шеър тўқиб ташлайверадиганлар хилидан. Ажаб эмас, бўлғуси Ғафур акалар орамизда бўлса. Хуллас фикримни уларга айтдим. Улар фикримни икки қўллаб қувватлашди. Ўртоқларимиз ичида устоз Ғафур Ғулом: «Ёз ҳам ўтди, куз ҳам ўтди, қорга чўмди боғлар, боғингиздан бир ғужум ҳам тотмади ўртоқлар», дегандек, унинг тамоман акси — қўли очиқ, бағри кенг улфатимиз бор, латифа айтишда унинг олдига тушадигани бўлмаса керак. Улфатлашиб қолган кунларимизда биронтамиз келмай қолсак ёки кечиксак ўрни тезда билинади. У ўртоғимизнинг ўрни эса бўлакча. Устоз Саид Аҳмад ака айтганларидек, «Бирон минг киши иштирок этаётган базмда ногаҳон чироқ ўчиб қолса, шу қоронғуликда Ғафур Ғулом келиб қолса ва бир чеккага жимгина ўтирса, уни ҳеч ким кўрмаган бўлса, овози ҳам эшитилмаса, барибир шу базмга бирдан файз кириб кетиши, сал ўтмай қоронғуликнинг у ер-бу еридан гурра-гурра кулги кўтарилиши, бир зумда у киши базмга кириб келгани сезилганидек» бизнинг ўртоғимизнинг ҳам кириб келганлиги дарров сезилади. Хуллас, қорхат бир зумда тайёр бўлди. Ҳаммамиз кула-кула унга ўз «ижодий ҳиссамиз»ни қўшдик. Эндиги вазифа «Қорхат»ни қандай қилиб бўлса ҳам ўша улфатижон дўстимизга топшириш эди. Ким олиб боради? Яна зукколикда ягона шоир дўстимизнинг ақли ишлаб қолди. Қисқаси, маслаҳат пишиб бу юмуш менга топширилди. Бу — ҳам шарафли, ҳам ўта нозик вазифа эди. Миямда ҳар хил режалар ғужғон ўйнайди, қандай қилсам сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Бирдан қувлигим тутиб кетди. Кечки пайт қўнғироқ қилиб уни уйида ушламоқчи бўлдим, ҳа, ёдимдан кўтарилай дебди, у киши бизнинг собиқ ҳамкасбимиз, шундай бўлса ҳам биз билан улфатчилик қилишга эринмайди, сабабини сўрасак, «Билмайман, қандайдир илоҳий бир куч сизларга тортаверади» дейди хахолаб. «Бирингиз шоирсиз, уч нафарингиз қалам аҳлига шайдо, яна бирингиз адабиёт майдонида жавлон урасиз, яна бирингиз тижоратчи, биз эса паррандачиликда», деб камтарлик билан ҳазил қилади. Албатта, улфатимизнинг ушбу гапларида жон бор. Бизни ҳам бир жойга жам қилган шу шоир ўртоғимиз бўлади. Ҳа-я, нима деяётгандим, ҳа, улфатимизни қўлга тушириб «Қорхат»ни шахсан қўлига топшириш эди. Қўнғироқ қилдим, тууу-тууу, юрак така-пука-ку, гўшакни ким олар экан деб турган эдим, нозик овоздан хушимга келдим. «Э, ҳалиги, бу менман...» Ҳе, Тошболта бўлиб кет-е, дейман ўзимга ўзим. Кейин эслаб роса кулгим қистади. Салом-аликдан кейин «фалончи бормилар» дедим. Бор эканлар, сўрашдик. «Сизга аввалги ишхонангиздан мактуб бериб юборишган эди, шуни топширмоқчиман», дедим. Ярим соатларда учрашадиган бўлдик. Соатга қарадим-у йўлга тушдим, ҳаво совуқ, бу совуқ кеча кечаси ёққан қорнинг, яъни улфатларнинг хоҳиш-истаги, зиёфатнинг хомаки режаси тузилган «тузоқхат» — «Қорхат»нинг ёқимли, анча вақтдан бери кутилган завқли совуғи эди. Боряпман, келяптилар, қучоқ очиб кўришдик, у ёқ-бу ёқдан сўрашдик, аста-секин мақсадга ўтдим: «олдин бирга ишлаган фалон бир ўртоғингиз сизга мана шу хатни бериб қўйишимни илтимос қилган эди, шуни олиб келдим», дея топширдиму хайрлашдим. Уйга келдим, хаёлим телефонда, хатни қандай қабул қилди экан...Йўқ, у куни қўнғироқ бўлмади. Эртасига воқеани бутун тафсилотлари билан улфатларга айтиб бердим, хотиржам бўлишди, лекин оқибатидан улар ҳам хавотирда эди. Ниҳоят икки кундан кейин кечки пайт қўнғироқ бўлди. Оҳ, тамом, иш расво дедим. Гўшакни секин кўтардим, йўқ, ўша-ўша «баҳодирона» овоз: «Бўлди, келишдик, аммо «Қорхат»ни боплабсизлар, уни бутун уй-ичимиздагилар билан бирга ўқиб, роса кулишдик, унинг шоирига, атрофдаги «ҳассакаш»ларига тасаннолар айтдик. Ийимиз бир пасда файзга тўлди», дея кулиша-кулиша учрашгунча хайрлашдик. Вазифани тўла-тўкис бажарганим учун худога шукр қилдим, чунки улфатларим олдида юзим ёруғ бўлган эди-да. Ўша зиёфатга сабаб бўлган «Қорхат» қани дейсизми. Марҳамат:

«Дўстимиз Баҳодир ибн Ортиқ Машарип ёшуллига:

Алп қомат оғажон, салом-ассалом,
Йўллагаймиз Сизга, энг ширин калом.
Латифа айтишда ўткир «балосиз»,
Сахийлик бобида танҳо — аълосиз.
Улфатга қурбондир жону дилингиз,
Хоразм шеваси ширин тилингиз.
Хайрият қут кириб ёғди тўнғич қор,
Дилингиз мисоли оппоқ, беғубор.
Қутлуғ бўлсин илк қор эй, танти акам,
Энди боғланг белни қаттикроқ маҳкам,
Чойхона томонга илдам юрмоққа,
Дўстлар суҳбатини қизғин қурмоққа.
Кўй гўшти, мол гўшти ҳеч зарур эмас,
Улфатлар димлама, ош-палов демас.
Ҳаттоки хорижга солган зўр довруғ,
Бўлса бас — курка ва «бройлер» товуқ,
Дастурхоннинг кўрки Тошкент шароби,
Бир зумда тузатур ким қочса тоби,
Шунда бўлур дўстим, айни муддао.
Оллоҳ қувват берсин, қилурмиз дуо.
Зиёфатда ким бўлади десангиз:
Шоир Шукур Дадаш, Юсуф акангиз,
Жўрабоши Анвар, бир сўз Дониёр,
Ал-Азиз, Абдулла — барин файзи бор.
Кун бирла соатни тезроқ этинг ҳал,
Улфатлар бўлмасин дийдорга маҳтал».

Мирзо АНВАР
2001 йил 15 январь

ТАДБИРЛАР

Экологик тарбия

Ўзбекистон Файласуфлар жамиятида «Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда ёшларда экологик маданиятни шакллантириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида экологик маданиятни шакллантириш йўллари, бу жараённи болалар боғчасидан бошлаб умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртларида давом эттиришни йўлга қўйиш лозимлиги тўғрисида ўзларининг ўринли таклифларини билдирдилар.

Анжуманга йиғилган Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент тиббиёт ва маданият институтларининг профессор-ўқитувчилари ҳам бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Ҳар бир олий ўқув юртида ёшлар экологик маданиятини кўтариш ишларини амалга оширишга келишиб олинди.

Даврон НУРМАТОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент давлат цирки Хадра майдони

2001 йил 9 февралдан бошлаб
циркда биринчи марта
МАСХАРАБОЗЛАР ПАРАДИ
КУЛГИ, КУЛГИ, КУЛГИ
ЎНТА МАСХАРАБОЗ ЎНТА МАСХАРАБОЗ
ЎНТА МАСХАРАБОЗ
ХАЛҚ АРТИСТИ ОЛЕГ ПОПОВНИНГ МАКТАБИ
ўргатилган ҳайвонлар иштирокида икки бўлимдан иборат ранг-баранг дастур

Цирк ҳафтасига уч кун ишлайди.
Томошалар: жума кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассалари ва туман кассирлари томонидан сотилади. Ҳақ турлича усулда тўланиши мумкин.
Касса эрталаб соат 9 дан ишлайди.
Маълумот учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04.

«ШАРҚ ГУЛИ»
масъулияти чекланган жамиятнинг 2000 йил фаолияти якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 2001 йил 28 февраль куни соат 10.00 да «Шарқ гули» МЧЖ биносида ўтказилади.
Манзилимиз:
А.Қодирий кўчаси, 78-уй,
тел. 41-20-56

БУ АЖИБ ДУНЁ

Ҳусн солиғи

Цейлон Молия вазири В. Даханаяке хазинани бойитишнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган усулини қўллаган. У аёлларнинг хуснига солиқ солишни таклиф қилган.

Вазир ишлаб чиққан қонун лойиҳасига кўра, мамлакатнинг ҳамма аёллари солиқ тўлаши керак, лекин барча баробар миқдорда эмас, балки «гўзаллик даражаси»га қараб. Аёл қанчалик кўҳлик бўлса, ундан шунчалик кўп солиқ олинади.

Ҳамма «бало» шундаки, гўзаллик даражасини белгилаш ҳукумат одамларига эмас, балки ҳар бир аёлнинг ўзига ҳавола қилинган.

Шўр сув туфайли

Тимсоҳ ўзи ютган ўлжасига раҳми келиб кўз ёши тўкади, деган афсона бор. Тимсоҳлар чиндан ҳам юм-юм ёш тўкаркан, лекин бу ёшлар ачинишдан эмас, балки шўр сув туфайли экан.

Шўр денгиз сувини баликчи қуш, бўрон қуши ҳам ичади. Денгиз қушлари орасида анча мунозара бўлган эди. Бу амалда текшириб кўрилганда, қушлар денгиз сувини ичишлари аниқланган. Мутахассислар мазкур қушлар кўзи ёнида туз ажратувчи безлар борлигини аниқлашган. Бу ўзига хос «буйрак» танадаги ортиқча тузни чинакам буйракдан ҳам тезроқ чиқараркан.

Қилич балиқ овлаш устаси

Қилич балиқнинг узунлиги 5 метрга, оғирлиги эса 600-700 килограммга етади. Унинг устки жағи узайиб қиличсимон ўсимта ҳосил қилган. Бу балиқлар асосан тропик сув ҳавзаларида яшайди. Болтиқ, Баренц, Қора, Азов, Япон денгизларида ҳам учрайди.

Бермуд оролида истиқомат қилувчи Тед Теккер қилич балиқларни овлаш устаси. Уммоннинг даҳшатли бу мавжудотини овлаш учун фақат куч ва маҳоратгина эмас, балки тажриба ҳам керак. Негаки, қилич балиқни амалда ишлатилиб келинган хўракларда овлашнинг имконияти йўқ. Шу муносабат билан балиқчи бир нечта темир тунукаларга ялтироқ моддани суртади. Тунука биолюминисцения пайдо қилиб, товланадиган бўлади. Бундай товланиш сув ости мавжудотларининг бир қанчасида учрайди. Шунинг учун, қилич балиқ бу хўракка қўрқмасдан ташланади.

Етти йиллик жумбоқ

Канаданинг суд маҳкамалари мана қарийб етти йилдан бери бу жумбоққа жавоб излашади.

Уилкилик (Сакачеван вилояти) фермер Роберт Латимер ўзининг 12 яшар қизини ўлдиришда айбланади. Бедаво дардга йўлиққан қизалоқ Трейси Латимер ўзи яшайдиган уйининг гаражидан ўлик ҳолда топилган эди. Врачларнинг хулосасига кўра, қизчанинг ўлимига автомобилдан чиққан заҳарли газ сабаб бўлган. Суд унинг отасини ўз қизини ўлдирганликда айблади. Бироқ фермернинг кассация тарзида юқори органларга йўллаган аризаларига биноан юристлар ишни бир неча бор қайта текширишга жўнатишди. Чунки Латимерга айб қўйиш учун аниқ далиллар етарли эмас, деб топилди. Энди бу ишни Канада Олий суди кўриб чиқади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6